

НООСФЕРА КОНЦЕПЦИЯСИ КАТЕГОРИАЛ АППАРАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Низом Абдурахмонович Тангиров

Жizzah давлат педагогика институти ўқитувчиси, ф.д. (PhD)
nizom_tangirov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ноосфера концепцияси категориал аппарати фалсафий таҳлил этилган. XX аср маҳсули бўлган ноосфера концепцияси илмий билимлар тараққиётида ҳам назария, ҳам амалиёт сифатида муҳим методологик аҳамият касб этади.

Таянч тушунчалар: ноосфера, назария, амалиёт, билиш, ҳаёт, биосфера, носферавий тизим.

ABSTRACT

This article provides a philosophical analysis of the categorical apparatus of the concept of the noosphere. The concept of the noosphere, a product of the twentieth century, plays an important methodological role in the development of scientific knowledge, both as theory and practice.

Keywords: noosphere, theory, practice, cognition, life, biosphere, nosphere system.

КИРИШ

XX аср маҳсули бўлган ноосфера концепцияси илмий билимлар тараққиётида ҳам назария, ҳам амалиёт сифатида муҳим методологик роль ўйнайди. Аввало, ноосфера назария сифатида илмий билимнинг энг етук шакли бўлиб, борлиқнинг муайян жабҳасининг қонуний ва муҳим боғланишларини яхлитлик ҳолда ўзида акс эттиради. Ноосфера амалиёт сифатида ноосферавий билимлар тараққиётининг йўналиши ва мақсадини ифодалайди. Ноосфера олам илмий манзарасини: яхлит, объектив, табиий жараён сифатида билиш асосида инсон онгининг юксак потенциал имкониятини намоён қиласди. Яъни мазкур объектив қонуний ривожланишни билиш жараёнида юксак ақл соҳаси – Ноосферанинг шаклланганиши ва мазмун-моҳияти намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фалсафа ва фан тарихида ноосфера концепциясининг ўрни ва роли муҳим методологик аҳамият касб этади. Тадқиқотчи М.Ю. Шишин фикрича[13, 3], ноосфера синтетик тушунча сифатида инсон фаолияти натижаларини, жумладан моддий ва маънавий ютуқларни ҳам ўзида мужассам этади. Шунингдек, бу тушунча мазмунида инсон ва атроф-муҳитнинг муносабатлари тизимини, нафақат планетар даражада балки космик миқёсда ифодалайди. Шу сабабли бизнинг фикримизча, М.Ю.Шишиннинг шаклланаётган янги илмий-фалсафий парадигма асосида, айнан ноосфера ғояси алоҳида жой олиши мақсадга мувофиқ деган қарашида асос бор. Шу жиҳатдан, экологияда: толерантлик, корреляция, трансформация, ноосфера, рационаллик, иррационаллик каби тушунчалар мазмун-моҳиятининг ёритилиши, экология соҳасида билимларни бойитади. Хусусан, биохилма-хилликнинг фалсафий таҳлили глобал экологик муаммоларини англашга, ечимини топишга ёрдам беради [10].

Дунёқарашнинг ноосферавий синтези, рус фалсафасининг етакчи ғояларидан бири бўлган билимлар яхлитлиги (бир бутунлиги) ғоясини ривожлантиради. Рус мутафаккирлари дунёқараш синтезида: фан, дин, фалсафа ўтасидаги зиддиятлар ва алоҳидалийкнин бартараф этиш зарурлигини кўрганлар. Чунки бу зиддиятлар инсоният руҳининг етилмаганлиги, унинг онги чегараланганигидан далолат беради. Улар инсоният руҳининг яхлитлигидан келиб чиққан ҳолда, дунёқарашга оид онг шакллари синтези ғоясини илгари сурганлар. Муаммонинг бундай тушунилиши учун ҳозирги вақтда барча зарур объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар тизими етилган[12, 54].

Шунинглек, ноосферанинг бир-биридан нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган иккита ташкил этувчи асосини ажратиб кўрсатиш методологик аҳамиятга эга, яъни: биринчиси, инсон томонидан яратилган табиий моддий-энергетик структуралар: антропоген ландшафтлар, турли хил маданий-рамзий тизимлар (тил, архитектура, мусиқа ва х.к.); Иккинчиси, инсоннинг ментал-психологик фаолияти билан боғлиқ энергия – ахборот структураларидан иборат бўлиб, мазкур асос ноосферани шаклланишига тўғридан-тўғри хизмат қиласи.

Фалсафа ва фан тараққиётида илмий билимларнинг: онтологик, гносеологик, аксеологик ва футурологик масалалари доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бунда илмий билимлар борлиқ ва оламни инсон томонидан адекват акс эттиришнинг муҳим асоси сифатидаги мураккабликни, узвийликни қамраб олади. Ҳозирги замон постноклассик фанида олам тараққиётининг бир бутунлик

парадигмаси тан олиниб, унда: олам, биосфера, ноосфера, жамият, инсонлар ягона яхлит тизимни ташкил қилади. Ушбу яхлитликнинг намоён бўлишида инсон ўрганилаётган объектдан ташқарида эмас, балки унинг ичидаги яхлитликнинг бир қисми бўлиб кўриниши ётади ва бундай ёндашувнинг оқибати сифатида табиий ҳамда ижтимоий фанларнинг яқинлашувини кўрамиз.

Бунда ҳозирги замон фанларининг нисбатан универсал илмий ғоялари, тамойиллари, моделлари ижтимоий-гуманитар ёки табиатшунослик фанларига ҳам кенг тадбиқ этилиши кузатилади [11, 55]. Зоро, моделлаштириш жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик томонларининг бирлигини, уларнинг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан эътироф этиш, ўрганилаётган объект модели адекватлини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга [2, 127].

Мазкур модель ташкиллашган билимларни янги тараққиётга йўналтиради. У табиат ва маданият дунёсини янгича тушуниш мўлжалларини белгилайди. Бунда: табиат ва инсон, биосфера ва ноосфера, табиат ва жамият, цивилизация ва маданият эволюциясининг статистик ва динамик моделларининг фарқи шартли ва нисбий характерга эга. Яъни статистик моделлар ўрганилган объектнинг фақат маълум жиҳатини акс эттиради. Динамик моделлар эса, объект (нарса, ҳодиса, жараён)нинг вақт бўйича ўзгариши қонуниятларини акс эттиради.

Бунда ноосферанинг бошланғич асоси – атрибутив ахборот ҳисобланади. Мураккаб тизимлардаги ахборотнинг эволюцияси коинотнинг барқарор ва мақсадга йўналган ривожланишини ташкил этиш воситаси сифатидаги бошқариш ҳодисасини туғдирди. Ақлнинг амал қилиш доираси (ноосфера) табиатда бошқариш жараёнлари ривожланиши узлуксиз занжирининг энг юксак ҳалқасидир [6, 3].

Биосферанинг ўз-ўзини ташкил қилувчи тизим сифатидаги фаолияти тирик нарсанинг мавжудлиги унда яшовчи тирик организмлар билан мувофиқлашганлигига акс этади. Биосфера ички структурали компонентларнинг, шунингдек, антропоген омилларнинг доимий ўсуҷчанлик таъсиридаги ривожланувчи динамик тизимдир. Бу эса биосфера тараққиётидаги ноосфера ҳам алоҳида яхлит тизим сифатида характерланади. Биосферада ҳам, ноосферада ҳам ахборот алгоритмлари мавжуд. Булар тизим тараққиётининг асосини ташкил этади.

Ахборот – алгоритмлари адекват бўлган тасодифий кетма-кетликнинг эслаб қолинган танлови бўлиб, бу танловни мустахкамлаш ахборотни яратади [2, 79]. Ақлнинг

амал қилиш доираси (ноосфера)да инсониятнинг техник-технологик тараққиёти цивилизацияни вужудга келтирди.

Инсоннинг доимий фаолияти натижасида унинг кучи ортади ва биосфера структурасида ўзгаришлар содир бўлади. Инсоннинг билими ва меҳнати таъсирида у янги ноосфера ҳолатига ўтади. Вернадскийнинг концепциясида ҳаёт космик эволюцияга қўшилган ҳолда бир бутун эволюцион жараённи (физик, геокимёвий, биологик) намоён қилиши кўрсатилган [4, 14].

Л.И.Плотникова фикрича, Ноосфера табиатнинг ривожланган инсонийлаштирилган ҳолати ва унинг мавжуд бўлиши фақатгина онгли эмас балки, шунингдек, кўтаринки руҳдаги (яъни олий ва абадий қадриятларга йўналтирилган) фаолият бўлганлиги сабабли, ноосфера таълимотининг фалсафий-методологик асосларини тушуниш учун табиат ва жамият ўзаро таъсирининг умумий назарияси алоҳида аҳамият касб этади[8, 56].

Шу жиҳатдан ноосфера концепциясини ёритища борлик ва унинг фалсафий таҳлилига ҳам эътибор қаратиш, шу асосда мулоҳаза юритиш ўринли: Борлик — олам ва ҳар қандай турдаги мавжудликни ифодалайдиган фалсафий категория. Мифология, дин ва натурфалсафада мавжудликнинг манбаи нима, деган муаммони ҳал этишга уринишлар бўлган. Фалсафа ҳақиқий борликни англаш ва уни идрок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ноосферавий дунёқарааш ҳар бир давр тақозаси, табиий муҳит, ижтимоий воқеалар, глобал ҳодисалар таъсирида мунтазам ўзгариб, янгиланиб борувчи ижтимоий онгнинг муайян шакли сифатида намоён бўлади. Шу маънода, кенг маънода ноосферавий дунёқарааш – бу инсоннинг табиатдаги ўзгаришларнинг табиий, ижтимоий ва техноген омилларини моҳиятини англаш, баҳолаш ҳамда оқибатларини олдиндан ҳис қила билишни: ғояларда, назарияларда, таълимотларда ифодалаб, глобал табиий антропоген ўзгаришларга мослашишга йўналтирилган интеллектуал жараёндир.

Шундай қилиб, инсонни фақат биологик - ижтимоий бирлик сифатида тушуниш бир ёқлама қарааш бўлиб, бу ёндашув унинг антропологик табиати ҳақидаги тасаввурларни, хусусан, унинг оқилона Космос маҳсули, космик мавжудот сифатидаги моҳиятини чеклайди. Зеро, инсон Коинотдан алоҳида мавжуд бўлмагани каби, Коинот ҳам инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли, кимёвий табиатида намоён бўлган ягоналик Ф.Капранинг “Биз субмикродунёга теран назар ташлар эканмиз, ҳозирги замон физиги шарқ мистиги каби дунёга бир-бiri билан ўзаро таъсирга киришувчи ва тинимсиз ҳаракат қилувчи ажралмас элементлардан таркиб топган тизим сифатида қарashi

лозимлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бунда кузатувчининг ўзи ҳам мазкур тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади” [5, 318]. Бу ҳолда, дунё қаршимизда инсон интеграл таркибий элементи ҳисобланувчи тизим сифатида гавдаланади. Табиат тўлқинлари ва квантларидан биз яъни кузатувчи, унинг онги сари ҳаракатлансанак, физика психологиянинг тармоғига айланади[14, 56] деган фикрда ҳам асосланади. Ушбу фикрларнинг замирида А.Эддингтон, С.Сирагнинг табиат пойдевори ақлдир, деган ғояси ётади. Бу ғояни Б.О.Тўраев ва Б.Р.Каримовларнинг ижтимоий гуманизмни ўз ичига олган оқилона қадрият мўлжаллари ҳақидаги фикри тасдиқлайди. Зеро, уларнинг фикрича «Кишининг қадрият мўлжаллари оқилона йўналтирилгандагина, у жамият манфаатларига мос, жамиятнинг эҳтиёжларини қондира оладиган кучга эга бўлади, акс ҳолда жамият тараққиётiga тўсиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда, оқилона қадрият мўлжалларини шакллантириш - жамият тараққиётি учун муҳим роль ўйнайди» [9, 104]. Дарҳақиқат, фақат инсон табиатидагина оқилоналиқ хос бўлиб, у қадриятли мўлжал олади. Кишилик жамияти мақсадлари ва интилишларини ўз ичига олган оқилоналиқ ноосфера онтологиясининг гуманистик принцип ва мақсадларини ўз ичига олади, ижтимоий тараққиётнинг оқилона бошқарув ва ташкиллаштиришга йўналтирилган жиҳатларини бирлаштиради.

Бизнинг фикримизча, ривожланишнинг ноосфера босқичида инсон онтологияси, инсонни мураккаб келажак томон тор эволюция йўлаги бўйлаб ўтишини таъминловчи оқилоналиқ ўз-ўзидан ташкилланишни шарт қилиб қўяди. Семантик маконда бу туннелни қазиш этнослар, миллатлар, конфессиялар ўртасидаги мавжуд фарқларни нафис муросаси йўли билан кечиши мумкин. Ер ноосферасига таяниш ёруғликка умид уйғотади. Экологик архетипни акс эттирувчи тизимли триада бу ерда яхлитликнинг асосий структураси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга экологик сиёсатда экологик муаммолар яққол кузатилади, инсон экологияси эса асосан жисмоний (физик) соғлиқни назарда тутади. Лекин инсон тана, жон, рухнинг учланган бирлигидир ва ҳаёт муаммоларини тана, субстрат, предметли намоён этувчиси билан чекланган ҳолда ҳал этишга уриниш самарасиз. Жон ва рух омилларига мурожаат шунга олиб келадики, мўлжалларни эгаллаш айнан шу ердан бошланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қамрови жиҳатдан, глобал, аммо, мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиётি учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал қилишда куч ва имкониятларни

бирлаштириш, умумий ва хусусий манфаатларни уйғунлаштириш лозим. Бу эса ўз навбатида, келажагимиз қиёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топишни пайсалга солмаслик зарурлигидан келиб чиқади” [1, 377].

ХУЛОСА

Бизнинг фикримизча, ривожланишнинг ноосфера босқичида инсон онтологияси, инсонни мураккаб келажак томон тор эволюция йўлаги бўйлаб ўтишини таъминловчи оқилоналиқ ўз-ўзидан ташкилланишни шарт қилиб қўяди. Семантик маконда бу туннелни қазиши этнослар, миллатлар, конфессиялар ўртасидаги мавжуд фарқларни нафис муросаси йўли билан кечиши мумкин. Ер ноосферасига таяниш ёруғликка умид уйғотади. Экологик архетипни акс эттирувчи тизимли триада бу ерда яхлитликнинг асосий структураси бўлиб хизмат қилиши мумкин[7, 30]. Ҳозирги даврда биосферадан ноосферага ўтиш йўлида бизнинг сайёра антропосфера босқичини ўтамоқда. Фанларда инсонпарварлашув жараёни кечмоқда, ижтимоий онгда умумбашарий қадриятлар устувор деб эълон қилинмоқда. Диққат маркази ва зиддиятлар тугуни бўлган инсон, экологик Чернобиль ҳалокатларга олиб келувчи замонавий глобал инқирознинг ядроисига айланиб бормоқда. Лекин айнан инсон, ноосферада муносиб ўрнини сақлаш учун бу инқироздан чиқиши йўлини топиши керак.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. -Б. 377.
2. Абдуллаева М.Н., Туленова К.Ж., Гаффарова Г., Ниязимбетов М. Миллий ғоя ва фаннинг методологик муаммолари. /Масъул мухаррир: М.Н.Абдуллаева. – Тошкент: Фалсафа ва хукуқ институти нашриёти, 2009. – Б.127.
3. Абдуллаева М., Гаффарова Г. (2020). Структурные преобразования – новые возможности развития. “Ўзбекистон ва Марказий Осиё: XXI аср ижтимоий гуманитар фанлари долзарб муаммолари, интеграция ва истиқбол тенденциялари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, – Б.264-268.
4. Вернадский В.И. Размышления натуралиста научная мысль как планетарное явление. – М., 1977. – С.14.
5. Капра Ф. Уроки мудрости. -Москва. АГРАФ, 2006. – С. 318.
6. Крайнюченко И.В. Глобальный эволюционизм и синергетика ноосферы. Тема диссертации и автореферата, доктор философских наук. 2010. - С.3.

7. Курбонова Л.А. Ижодий тафаккурнинг фалсафий-методологик таҳлили //фалсафа фанлари номзодлиги даражаси учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2007. –Б. 30.
8. Плотникова Л.И. Учение о ноосфере как идеальный проект гармонизации социоприродного взаимодействия: Дис. ... канд. филос. наук. - Чита, 2004. – С. 56.
9. Тўраев Б. Каримов Б. Оқилона қадрият мўлжаллари.-Тошкент. Фан, 1994. - Б.104.
10. Хошимова И.С. Философский анализ биоразнообразия // Материалы семинара: Проблема биоразнообразия и изменения климата. – Тошкент, 2010.
11. Шермухамедова Н.А. Дунёнинг постноклассик манзараси ва синергетика // Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари. - Тошкент, 2010. – Б.55.
12. Шишин М.Ю. Ноосферная концепция культуры. Дисс. д. философских наук. - Москва, 2001. – С. 54.
13. Шишин М.Ю. Онтологические и методологические основания концепции ноосферогенеза. 09.00.01. -Москва, 1997. – С. 3.
14. Zukav G / The dancing / Vu Li masters. -N.Y. 2008. –P-56.
15. G. Makhmudova, G. Gaffarova, G. Jalalova (2020). O'zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
16. Gaffarova, G. G., & Abdullaeva, M. N. (2021). Cognitive system of sufism. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 38-42.
17. Gaffarova, G. G., & Jalalova, G. O. (2021). Human capital as the basis of society development. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (96), 455-460.
18. Гаффарова Г. Таркибий ўзгаришларнинг бифуркацион асоси // Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2(1) (январь), pp.244-250.
19. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
20. Гаффарова, Г., & Кодиров, Б. (2020). Рақамлаштириш - инновацион ривожланиш омили сифатида. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 104-112.
21. Гаффарова, Г.Ф. (2020), Ахборотлашган жамиятдан ракамли жамият сари: фалсафий таҳлил. УзА Илм-фан булими (электрон журнали). сентябрь сони, - Б.183-196
22. Гаффарова, Гулчехра Ғуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопоэзис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-кўп тармоқли илмий масоғавий онлайн конференция материаллари. 193-196.
23. Гаффарова Г. (2020). Человеческий капитал в условиях цифровизации Узбекистана. Интеллектуальная культура Беларуси: духовно-нравственные традиции и тенденции инновационного развития: материалы Пятой междунар. науч. конф. Т.2. – Минск: Четыре четверти, –С.72-75.